



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (12.753)

Баҳоси эркин нарҳда

ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Имон-этиқод, меҳроқибат, шафқат ва мурувват каби фазилатлар халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз авлиё ва улаомларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида беқиёс ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Абдуҳолик Фиждувоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом мажмуалари сингари табарруқ масканларда олиб борилган катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундай обидалар диёримизнинг гўзал, файзли масканларига айланди.

Ана шундай савобли ва улуғвор ишларнинг узвий қисми сифатида диний маърифат асосларини, дунёвий илмларни чўқур ўрганиш мақсадида Тошкент Ислам университети ташкил қилинди ва талабаларнинг замонавий таҳсил олишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Бундай савобли ва олижаноб ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз пойтахти азим Тошкентнинг кўҳна Минор мавзесида муҳташам масжид барпо қилинди.

Илгари хабар берганимиздек, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов шу йилнинг 18 июль куни бу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан танишган эди.

Юртбошимиз бу ерда моҳир қурувчи, муҳандис ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр билдириб, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича муҳим кўрсатма ва тавсиялар берган эди.

Орадан икки ярим ой ўтиб, мажмуадаги ишлар ўз ниҳоясига етди.

1 октябрь куни, муқаддас Қурбон ҳайити арафасида Ислам Каримов ушбу эзгулик масканига ташриф буюрди.

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимиз гоёси ва амалий тақлифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг, бутун дунёда машҳур бўлган масжид ва мадрасалар қурилишнинг азалий анъана ва услубларидан ижодий фойдаланган ҳолда, ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган эди.

Давлатимиз раҳбари муҳташам мажмуани ва унинг атрофида олиб борилган кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Муқаддас динимизга мувофиқ масжидда Қуръони каримдан тиловат қилинди.

Ислам Каримов масжиднинг ички ва ташқи кўриниши, баҳаво айвонлари, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар, бино куббасидаги олтин суви билан зийнатланган нақшларни кўздан кечириб, қўли гул усталарнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Айни вақтда нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда ягона, бетакрор бўлган ушбу дину диёнат маскани ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши, бу ерга тоат-ибодат ниятида келадиган мўмин-мусулмонлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш бўйича қурувчи ва мутахассисларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Халқимизнинг пок қалбини, олижаноб орзу-интилишларини, эзгу ниятларини ўзида мужассам этган ушбу муаззам меъморий мажмуа маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нуруни зиёда этишга хизмат қилиши мумкин.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Хабар қилинганидек, «Туркистон» саройида ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар халқимиз ардоғида. Бир неча йилдан буён юртимизда 1 октябрь ўқитувчи ва мураббийлар кўни сифатида кенг нишонланаётгани масъулиятли ва шарафли касб эгаларининг обрў-эътибори янада юксалиб, меҳнати қадр топаётганининг ёрқин ифодасидир.

Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар 30 сентябрь куни пойтахтимиздаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустиқиллик ва эзгулик монументи пойга гуллар қўйди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди.

Шу куни «Туркистон» саройида ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий

ўқув юртлири ўқитувчилари, мураббийлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш, малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаси сифатида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, бу борада амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар кўлами ва мазмун-моҳияти билан мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган навиқорон авлодни вояга етказиш учун мустаҳкам замин яратди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, замонавий андозлар асосида юзлаб янги мактаблар қурилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, спорт, музика ва санъат мактаб-

лари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларнинг фаолияти давр руҳига мос тарзда йўлга қўйилди.

Бугунги кунда таълим ахборот-коммуникация технологиялари ва масофали таълим асосида ривожланмоқда. Бу инновацион жараёнда фаол иштирок этишни тақозо этаётди. Шу боис аввало ўқитувчини илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланганидан ижодкор-устоз даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бугунги ўқувчи янги фикр, янги маълумот, янги услуб керак.

Ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчилар фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Педагоглар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ғамхўрлик туфайли ўтган йиллар мобайнида умумтаълим, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги юзлаб устоз ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувончлидир.

(Давоми 2-бетда)

Сўз – халқаро форум иштирокчиларига



Самарқанд шаҳрида 1-3 октябрь кунлари БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтади.

Ушбу халқаро форумда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Греция, Миср, Туркия, Исроил, Индонезия, Сингапур, Таиланд каби ўнлаб мамлакатлардан мутахассислар, халқаро туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этади.

ЎЗА муҳбирлари форум қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Золтан ШОМОГИ, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия директори:

– БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг бу гаги сессияси Самарқандда ўтказилиши беҳис эмас. Чунки бу шаҳар Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашгани, азалдан илм-фан, маданият ривожига беқиёс ҳисса қўшгани билан маълум ва машҳур. Нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида туризмнинг ривожланишида Самарқанднинг ўрни ва нуфузи ошиб бормоқда. Ташкилотимизга аъзо мамлакатлар вакиллари билан бу ерда бўлиб, унинг туристик салоҳияти билан танишиши, тажриба алмашиши соҳа ривожига хизмат қила-

ди. Мен тўрт йил олдин Самарқандда бўлганман. Бугун келиб шаҳарда янада катта ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Айниқса, Афросиёб теъжорлар поездиди катновининг йўлга қўйилиши юртингизда туризмни ривожлантиришда янги кадам бўлганлиги шубҳасиз.

Сағар АХЛЎВАЛИЯ, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти аъзоси, Тинч океани минтақаси йузвчилари савҳати уюшмаси бош котиби (Ҳиндистон): – Ўзбекистоннинг қадимий обидалари, чиройли табиати, замонавий шаҳарлари бутун дунё сайёҳларини ўзига чорламоқда. Мамлакатингизда халқаро туризм жадал ривожланаётгани бунинг тасдиғидир.

Бу ерда асрлар давомида бунёд этилган қадимий ёдгорликлар жуда кўп. Ўзбекистонда бу маданий мероси – тарихий обидаларни асраб-авайлаш, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган алломуларни улуғлашга алоҳида эътибор қаратилган тахсинга сазовор.

(Давоми 2-бетда)



• Сирдарёда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Ёшлар ОИТСга қарши» шиори остида акция ўтказилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Элиқалъа туманида болалар музика ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида бунёд этилган ушбу масканда 150 нафар ўғил-қизнинг миллий ва жаҳон санъати сирларини пухта эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган.

• Мамлакатимизга ташриф буюрган Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди делегацияси Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри ва Риштон туманида бўлиб, ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

• Бухорода вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмлардан бири ҳамкорлигида «Чегара посбонлари» мусобақаси ўтказилди.



• «TripAdvisor» туристик портали дунёнинг энг машҳур музейларининг аънавий «Travelers Choice Awards» рейтингини эълон қилди. Машҳур Лувр музейи ҳатто кучли ўнликка ҳам кирмай, 19-погонани банд этган. Чика-

годаги унчалик таниқли бўлмаган Санъат институти эса биринчи ўринни эгаллаган.

• Германия техник назорат бирлашмаси тадқиқот ўтказиб, энг ишончли ва унчалик ишончли бўлмаган фойдаланилган автомобиллар номини аниқлади. Тадқиқот натижасида бир йилда уч йилгача ишлатилган ихчам машиналар ичида носозликлар миқдори энг кам бўлган автомобиллар Кореянинг «Kia», Япониянинг «Toyota» ва Франциянинг «Peugeot» компаниясига тегишли экани маълум бўлди.

Сайлов – 2014

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ САЙЛОВДАГИ ИШТИРОКИ

Мамлакатимизда 2014 йилнинг декабрь ойида бўладиган сайловга юксак савияда тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Нодавлат нотихорат ташкилотларининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Нодавлат нотихорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этган тадбирда сайлов қонунчилиги киритилган янгилар, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнидаги иштироки масалаларига эътибор қаратилди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Ортиқова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган илмий-ислҳотлар натижасида демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқи кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилганини таъкидлади.

Демократик қадриятларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муҳим роль ўйнамоқда. Улар инсон манфаатлари ҳимоя қилинишида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фаоллик кўрсатаётди.

Мамлакатимизда бугунги кунда фаолият кўрсатган нодавлат нотихорат ташкилотларининг сони 7 минг 800 дан ошди. Улар соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлашга оид масалаларни ҳал этиш бўйича дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этиш билан бирга, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини, ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, сайлов органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда ҳам ўзига хос ўринга эга бўлмоқда.

Тадбирда сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ҳусусида батафсил маълумот берилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ва жамият қурилиши соҳаси, ҳуқуқий

тизим, жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берганига эътибор қаратилди.

Шу асосда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар сайлов жараёнидаги либераллаштириш, унинг очикилигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз ҳоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдириши учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини берди.

Мамлакатимиз сайлов тизимининг конституциявий асослари янада такомиллаштирилди. Конституциянинг 117-моддасига киритилган қўшимчаларнинг моҳияти шундан иборатки, унда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолиятига доир асосий принциплар конституциявий норма тарзида мустақамлаб қўйилди.

Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг 2012 йилда қабул қилинган, аввало, сайлов кампаниясини ўтказишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларни тенг шароит ва имкониятлар билан таъминлаш механизмларини самарадорлигини янада ошириш. Фуқароларнинг эркин ҳоҳиш билдириш, сайлов комиссиялари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймасликка оид қондаларнинг қонунда мустақамланган сайлов ҳуқуқлари кафолатлари мустақамлаштиришга замин яратди.

Давра суҳбатда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, 2014 йилдаги сайлов кампаниясининг асосий принциплари – очиклик, ошқоралик, транспарентлик мавзуларида маърузалар тингланб, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари олдига турган вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Сайловни демократик тамойилларга мос равишда очик ва эркин ўтказишда оммавий ахборот воситалари гоят муҳим ўрин тутди.

БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси қондалари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари 2014 йилги сайлов жараёни кенг ёритиб бориши зарур.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан битимлар имзолади.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очикилиги ва ошқоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирлардан кенг хабардор қилиш мақсадига имзоланди. Битимларда миллий сайлов қонунчилиги – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлари ҳамда сайлов жараёни тартибига солуви бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушуңтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда бир хил эфир вақти ва босма майдон ахратиш орқали тенг шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадига амалга оширилмоқда, – деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов. – Ҳамкорлигимизнинг асосий мақсади – жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш, сайловчиларга сайлов тўғрисидаги қонунчилик қондаларини тушуңтириш, фуқароларни сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди платформалари билан таништириш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сайлов кунини онли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле- ва радиоканаллари, давлат босма оммавий ахборот воситалари ҳамда мамлакатимизнинг ахборот агентликлари орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ҳамда уни ўтказишга оид ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТУРИЗМ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртингизга келиб, халқингизнинг бунёдкорлик аъёнлари бугунги кунда янада ривож топаётганига гувоҳ бўлдим. Тошкентнинг ривожланиб кетгани, шаҳардаги муҳташам бинолар, кенг ва раvon йўллар, осойишта ва сўлим масканлар мамлакатингиз тараққиётдан, одамларнинг юксак ҳаёт даражасидан дарак беради.

Дехли шаҳрида «Бухоро» ресторани бор. Унга кирган ҳар бир мижоз ўзбек миллий таомларининг лаззатига, халқингизнинг меҳмондўстлик маданиятига қойил қолади. Бу жиҳатлар Ўзбекистонда туризм соҳасининг узвий қисми бўлган ресторан бизнесини ривожлантириш учун яхши имконият яратди.

Муҳаммад МАҲМУД, Савдо, саноат, хунармандлик ва сайёҳлик вазирлиги департаменти директори (Мавритания):

– Дунёнинг кўп жойларида бўлганман. Лекин Ўзбекистондек мафтункор юртни, ўзбек халқидек бағрикенг, ҳушмуомала ва меҳр-оқибатли халқни учратмаганман.

Ўзбекистонда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича барча шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани ҳақида кенг эътироф этилади. Бунинг тасдиғини мамлакатингизнинг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилаётганида кўриш мумкин. Шу боис мамлакатингиз билан сайёҳлик, савдо ва саноат соҳаларида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантириш ниятидаман.

Тошкентдаги музей ва тасвирий санъат галереялари менда катта таассурот қолдирди. Бозорлар тўқин-сочин, хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Бу мамлакатингизда сайёҳликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

**Ғолиба ҲАСАНОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
Эзиб олди**

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза

**қилиш қўмитаси томонидан
тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойнинг иккинчи ярмида қўмита
мажлислар залида «Очиқ эшиклар
куни» тадбири ўтказиб келинади.
Жумладан, 2014 йилнинг ўтган 9 ойи
давомида жами 26 та очик эшиклар
куни ўтказилди.**

Очиқ эшиклар кунда тадбиркорлик субъектларининг ўзлари учун керакли бўлган Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги Қонунлари ва қонуности ҳужжатлари томонидан талаб этиладиган меъёрий ҳужжатларни қандай расмийлаштириш, уларни ишлаб чиқиш ва қим томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги мурожаатлари ва мурожаат аризалари қўриб чиқилади. Бундан ташқари 18 марта ишонч телефонларига ҳам мурожаатлар бўлди. Мурожаатларнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутасадди ходимлари назорати остида мурожаат қилинган ҳар бир масала тегишли бўлимлар томонидан ижобий ҳал этилади. Масалан, 2014 йил 27 августдаги очик эшиклар кунда «AMAN SITAR PLAST» МЧЖ томонидан ПВХ кўпиртирилган листларни қандай расмийлаштириш кераклиги тўғрисида ариза мурожаати қўриб чиқилди. Яна «XAMDAMXOJA-PLAST» МЧЖ томонидан ҳам «FOUF» русумли косметик воситаларини расмийлаштириш, бунинг учун қандай ҳужжатлар олиш кераклиги тўғрисида мурожаат этилди. Ушбу мурожаат ижобий ҳал қилинди, яъни қўмитада рўйхатдан ўтиб, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмаслик шарти билан маълумотнома берилди.

Шу тариқа мурожаат қилган ҳар бир тадбиркорлик субъектларига қонун доирасида амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хусусий тадбиркорларга ҳамма вақт ёрдам беришга тайёр, уларнинг мурожаати ижобий ҳал қилинмасдан қолмайди. Бундан ташқари қўмитада 277-75-43, 277-00-86 рақамли «Ишонч телефонлари» мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келимоқда.

Тадбиркорлик субъектларидан очик эшиклар кунда фаол қатнашиб, ишонч телефонларига кўнгирак қилишда давом этишларини сўраймиз.

Қўмита ходимлари Сизга амалий ёрдам кўрсатишга ҳар доим тайёр.

З.АҲМЕДОВ,

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Назорат бўлими бошлиғи

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ



моқли ҳиссаси, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқурлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан аъёнларни тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови таълим фидойиларининг ўзаро фикр алмашишга, ўқув жараёнига янгича услуб ва шакллари татбиқ этишга имкон яратмоқда. Ўз фани бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратган, ҳар бир дарсни ўқувчиларнинг ёшига мос, қизиқар-

ли ҳамда турли кўргазмалар воситалари билан ўтаётган илғор педагоглар меҳнати туфайли юртимиз таълим тизими, ўқувчиларнинг билим даражаси тобора юксалмоқда.

Тантанали йиғилишда мазкур танловларнинг 2014 йилги ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

– Мазкур кўрик-танлов илғор, ташаббускор, иқдор педагоглар таърибасини кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда, – дейди танлов ғолиби, Чилонзор туманидаги 162-умум-

таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эртадан эгалари бўлган навқирон авлод ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, Ватанидан рози бўлиб, умр бўйи бунёдкорлик руҳи билан яшайди. Бугун юртимизда замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1,5 мингдан ортиқ академик лицей ва касб-хунар коллежида ёшларга ўзи танлаган йўналеш ва соҳа сирлари ўргатилмоқда. Уларга кучли рақобатни енгган, юқори балл тўплаган ёшлар қабул қилинмоқда. Таълим жараёнига юксак касб маҳорати ва тажрибага эга муҳандис-педагогларнинг жалб қилинган, уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани, «коллек – корхона» ҳамкорлиги доирасида ўтказилаётган назарий ва амалий машғулотлар узвийлик касб этаётгани таълим самарадорлигини оширмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз олий таълим тизими баълавариат ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтказилди.

Маросимда Термиз шаҳридаги 4-иختисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Шохиди Сиддиқова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова, бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси, ўсмирлар ўртасидаги II Олимпияда ўйинлари ғолиби Бектемир Мелиқўзиев ва бошқалар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар келажимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аجدларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидлади. Ёшлар эзгу мақсадга бутун борлигини бахш этаётган касб соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири
Ё. Шамсидинов (ЎЗА) олган суратлар**

Транспорт

РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Шахримиздаги «3-автобус саройи» ОАЖ жамоаси йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, ўз олдидарига қўйилган режаларни бажариш йўлида изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Автосарой томонидан татбиқ этилаётган сўнгги янгиликлардан бири — автобусларнинг ўз йўналишлари бўйича қатновлари мониторингининг такомиллаштирилишидир. Чунинчи, бугунги кунда автобусларга реал вақт режимида автотранспорт воситасининг қайси жойда эканлигини аниқлашга имкон яратадиган GPS тизими ўрнатилган. Бунда ҳар бир ҳайдовчи оператор билан доимий алоқа ўрнатган бўлиб, бу белгиланган ҳаракат жадвалига аниқ риоя қилинишига имкон беради. Бундай усул йўловчиларга ҳам қўшимча қулайликлар туғдиради, зеро, улар автобуснинг кетганда қай вақтда келиши, йўлда ҳаракатланиш вақтини аниқ биладилар.

Хозирги кунда автосаройда 206 та автобус мавжуд бўлиб, улар 20 та йўналиш бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатади. Автобус саройида ишчи ва хизматчи-

лар учун тегишли шарт-шароитлар яратилган — душхоналар ва дам олиш хоналари жиҳозланган, улар махсус кийим ҳамда пойабзал билан таъминланадилар. Таъмирловчилар, навбатчи механиклар, диспетчерлар, ёнилғи қуёвчилар, автобусларни ювувчилар, электр монтерларнинг кундалик иш жадваллари тузилган.

— Бугунги кунга келиб, автосаройнинг жорий йилнинг ўтган саккиз ойидаги фаолияти натижалари умумлаштирилган. Кузги-қишқи мавсумга кўзда тутилган тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган, — дейди «3-автобус саройи» ОАЖ бошқаруви раиси Анвар Жўраев. — Таъкидлаш жоизки, автосаройимизнинг барча хизматлари изчил фаолият кўрсатишда, ўз олдидарига қўйилган вазифаларни бажаришди.



Юқорида айтилганидек, ҳозирда қишқи мавсумга кизгин тайёргарлик кетмоқда. «Техник ёрдам кўрсатиш» автомобиллари эҳтиёт қисмлар билан таъминланган. Етарли даражада қум ва туз захираси мавжуд. Хизматчилар хоналари иситишга тайёр, томларда таъмирлаш ишлари бажарилиди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: «3-автобус саройи» ОАЖ фаолиятдан лавҳа

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий анъана ва қадриятларимиз, дину диёнатиимизни тиклаш, уларнинг эзгу мазмун-моҳиятини ўсиб келаётган авлодга атофлича тушунтириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 26 сентябрдаги «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг яна бир амалий ифодасидир.

АҲИЛЛИК, ОҚИБАТ
ВА САХОВАТ АЙЁМИ

Шу кунларда барча маҳаллаларда ушбу байрамга кизгин тайёргарлик кўрилиб, турар жойлар, хонадонлар теваари, муқаддас масканлар, зиёратгоҳлар саришта ҳолатга келтирилмоқда.

Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги «Беҳизор» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам байрам кунлари фуқароларнинг меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховат каби туйғулари кенг кўламда намоён бўлишига зарур шароит яратиш, айёмни юқори савияда ўтказишга ҳозирлик кўриляптир.

— Жамиятимизда осойишталик, ижтимоий муҳит барқарорлигини сақлаш, аҳоли ўртасида ўзаро тотувлик, меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик тушунчаларини янада мустаҳкамлаш, кексалар, беморлар, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш, кўча ва майдонларни озда, тартибли сақлаш доимий эътибордаги масалалардан, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Минавархўжаев. — Муқаддас айём кунлари бу йўналишдаги ишлар, амалий чора-тадбирлар кўлами янада ортади.

Ушбу маҳаллада йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек истиқомат қилмоқда. Муборак айём олдидан ҳашар ўтказилди. Ариқлар тозаланиб, болалар майдончалари тартибга келтирилди. Кўчаларга асфальт ётқизилди.

28-оилавий поликлиника шифокорлари маҳалла нурунийлари саломатлигининг ишончли посбони. Ёлғиз кексалар, серфарзанд оилалар, боқувчиси бўлмаган хонадонларга дори-дармон, кундалик рўзгор буюмлари, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат ёрдам кўрсатиш доимий тус олган. Имкониятига қараб уларга коммунал тўловлар бўйича қарздорликни қоплашда яқиндан кўмаклашилди. 230-мактаб ҳамда маҳаллада ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғараги қизлари кексаларнинг уй-рўзгорини тартибга келтиришда доимо кўмакдош.

— Оддий эътибор, бир оғиз ширин сўздан кўнгул тоғдек кўтарилади, — дейди маҳалла фахрийси Наби Раҳимбердиев. — Беҳизор маҳалламиз кўрки бўлса, аҳил, оқибатли, саховатпеша фуқаролари унинг чинакам ифтихоридир. Шу табарруқ заминнинг, меҳри-дарё ўрнининг фарзанди эканимдан фахрланаман. Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган, кексалари эъзозланган, фарзандлари камолоти йўлида ғамхўрлик кўрсатилаётган гўзал юртимизга, тўкин, фаровон ва саодатли кунларимизга кўз тегмасин.

Ҳайит арафасида маҳалланинг олийҳиммат инсонлари, тадбиркорлар Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар, мактабгача таълим масканларига кўмак кўрсатишда ҳамisha камарбаста бўлаётир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ҳуқуқий ислохотлар

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ —
СУД ТИЗИМИДА ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ УСУЛ

Дунёда қанча давлат, миллат бўлса, уларнинг бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос жиҳатлари кўп. Ўзбек халқи ҳақида гап кетса, бир-бирининг қувончига шерик бўлиш, мусибатидан қайғуриш, адашиб, хато қилганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун кўмаклашиш, кечиримлилик каби олижаноб фазилатлари эътироф этилади. Мустақиллик йилларида амалга киритилган қонунларда ҳам бу қадриятлар ўзининг ифодасини топди.

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва ярашув институтининг жорий этилиши халқимизнинг инсонпарварлик ва кечиримлилик хусусиятини тўла намоён қилиш баробарида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Гарчи ярашув суд тизимида янги ҳуқуқий усул бўлса-да, у миллий қадрият сифатида асрлар давомида такомил топиб келган. Ярашув институти жорий қилинганига кўп вақт ўтгани йўқ, бироқ ундан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса, ўз навбатида ортиқча сансалорлик ва ҳаражатларни бартараф этмоқда.

Фикримизни ҳаётий далил билан исботласак, Азизжон Мирзаев шу йилнинг 15 июнь кунини кундузи 11.30 ларда ўзига тегишли «Нексия» русумли автомобилани бошқариб бораётиб, Фарғона йўли кўчаси томонга кетаётганда йўлнинг қатнов қисмини ўнгдан чапга кесиб ўтаётган пайда Б.Юнусалиевни автомобиласининг олди қисми билан уриб юборган. Натижада

пайда Б.Юнусалиев тан жароҳати олиб шифхонага ётқизилган. Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, унинг оғир даражадаги тан жароҳати олганлиги аниқланган. Жабрланувчи Б.Юнусалиев судда ҳайдовчининг ўзи унга биринчи ёрдам кўрсатиб, шифхонага олиб борганлиги, бугунги кунда судланувчи А.Мирзаев билан ярашиб олганлиги, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини кўрсатиб, судланувчига нисбатан жиноят иштини уларнинг ярашганликлари сабабли ҳаракатдан тўхтатишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Суд жабрланувчининг аризаси ва ишдаги тўпланган ҳужжатларни таҳлил қилиб, А.Мирзаевга оид жиноят иштини ярашганлиги муносабати билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан ҳаракатдан тугатди.

Бир сўз билан айтганда, ярашув институтининг амалда қўлланилиши ўзининг ижобий натижаларини бераётир.

Нодира УБАЙДУЛЛАЕВА,
Яшнобод туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ОАЖ «SERGELI-AVTOTEXSERVIS»
АВТОСАЛОНИДА

2015 ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНМОҚДА

ЁАЖ «GM-UZBEKISTAN»

MALIBU
ORLANDO
COBALT
SPARK1.2SCAPTIVA
LACETTI 1.5
NEXIA DOHC

Манзил: Тошкент ш, Сергели тумани, Обихат кўчаси, 39-уй, Тел: 257-91-91, 257-78-72

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 4 ноябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Чилонзор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2014 йил 7 апрель кунги 1-601/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТошГРЭС мавзеси, 21-уй, 36-хонадонда жойлашган, умумий майдони 49,63 кв.м., яшаш майдони 28,16 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 72 411 000 сўм.

2. Чилонзор туман СИБ томонидан, ЖИБ Самарканд шаҳар судининг 2014 йил 12 май кунги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутғий кўчаси, 54-уйда жойлашган, умумий ер майдони 758 кв.м., бинонинг умумий майдони 1371 кв.м. бўлган маърифат уйи. Бошланғич нархи — 1 840 321 918 сўм.

2014 йил 28 октябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Чилонзор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 август кунги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 11/2-каторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони. Бошланғич нархи — 52 756 200 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 13/2- каторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони. Бошланғич нархи — 52 756 200 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган но-турар жой. Бошланғич нархи — 2 196 831 600 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган но-турар жой. Бошланғич нархи — 2 246 370 300 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион сав-доларида иштирок этиш учун талабгорлардан ари-залар ҳафтаининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бош-ланишига бир иш кунини қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш иста-гида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10% микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун ало-ҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖ-нинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бош ама-лиёт бошқармасининг 26.09.2014 йилдаги 21-24-7281-сонли буюртманомасига асосан банкка тегиш-ли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй манзилда сақланаётган, «Хюндай Со-ната» русумли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, дав-лат рақами 01/115SBA бўлган носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 30 819 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 3 ноябрь кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар рас-мий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тўшлик). Ариза-ларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 31 октябрь кунини соат 18:00.

Автотранспорт воситасининг 3 ноябрдаги сав-доси бўлиб ўтмаганда, такрорий савдоси 2014 йил 10 ноябрь кунини соат 11:00да бўлиб ўтади. Ариза-ларни қабул қилиш: 2014 йил 10 ноябрдаги савдо учун 7 ноябрь кунини соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо солиби деб топиладиган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси ту-зиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақида-ги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончно-ма такдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузила-диган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини «RMM» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақа-мига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Мурожаат учун ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бош амалиёт бошқармаси телефон рақамлари: 150-76-89, 150-76-79.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI»

МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бектемир туман СИБ томони-дан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2013 йил 14 октябрдаги 10-1314/14602-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Йўлғичқола ҚФЙ худудидега жойлашган, умумий фой-дали майдони 678,13 кв.м., бўлган айвон ва икки қаватдан иборат идора биноси такроран қўйилмоқ-да. **Бошланғич баҳоси — 130 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 20 октябрь кунини соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қили-нади (13:00 дан 14:00 гача тўшлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 17 ок-тябрь кунини соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фо-изидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси-ни кўрсатган ҳолда «Ko'shmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР
ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежига директорлик ҳамда директор ўринбосарлари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Лавозим
1	Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи	Директор лавозимига
		Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига
		Маънавий-маъри-фий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, тел: 252-23-35

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари универ-ситети қошидаги 2-академик лицей лицей ош-хонасини ижарага бериш юзасидан тендер эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар бир ой давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: +99871 252-77-60.

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Тошкентда ўзбек адибларидан кимларга ҳайкал қўйилган?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хивонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга ояётган ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртини ўрганишдан бошланишини инobatга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» —

«Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталарнинг ҳар сониди битта викторина саволи эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлоқ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзиллари-га йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

МАМЛАКАТИМИЗ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Токиода бўлиб ўтган «JATA Tourism Forum & Travel Showcase — 2014» халқаро сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистон миллий тенди намоиши этилди.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар сони бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирида турувчи Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровонлик бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилаёттир. Янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилиб, юртимизга келатган сайёҳлар оқими кўпаймоқда. Бу Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасидир. «Ўзбектуризм» миллий компанияси халқаро сайёҳлик кўргазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳиятини кенг намоиш қилмоқда.

«JATA Tourism Forum & Travel Showcase — 2014» Осиё-Тинч океани минтақасининг нуфузли йирик сайёҳлик кўргазмаларидан бири ҳисобланади. Ташкилотчиларнинг фикрича, унда ҳар йили дунёнинг 150 дан ортиқ давлатидан мингга яқин экспонент иштирок этади. Жорий йилда кўргазмада Европа, Осиё ва Америка мамлакатларининг сайёҳлик фирмалари, темир йўл ва авиакомпаниялари, меҳмонхона ва ресторан бизнеси намоиши этилди.

Ўзбекистоннинг миллий анъаналаримиз ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган миллий тенди чироили дизайни ва мазмуни билан иштирокчилар эътиборини тортди. Тенди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Dolores Travel», «ABDA Travel», «Sheherezade Voyages», «Asia Adventures», «Sole Vita» ва бошқа етакчи сайёҳлик операторлари экспозицияларини ўзида мужасам этган. Иштирокчилар эътиборига мамлакатимиз қадимий шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилувчи буклет ва фотоальбомлар, халқ амалий санъати намуналари ҳавола этилди. Бошқа давлатларнинг вакиллари Ўзбекистонда миллий сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари билан таништирилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Осиё ўйинлари — 2014

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

ИНЧЕОН. ЎЗА махсус мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА
хабар қилади.

Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида давом этаётган XVII ёзи Осиё ўйинларида қўшамизнинг 45 давлатидан спортчилар иштирок этмоқда.

ЎЗА мухбири Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ўйинларида эришган ютуқлари, мамлакатимизда спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларнинг фикрлари билан қизиқди.

Жанг ТСОҢГ-РОҢГ, Хитой Тайпэйи Миллий кураш ассоциацияси президенти:

— Ўзбек кураш мактаби дунёда катта обрўга эга. Ўзбекистонда турли усулларда курашадиган полвонларнинг бир неча авлоди етишиб чиққан. Уларнинг номи ушбу спорт тури тарихига киритилган. Ўзбекистон курашчиларининг зафарли анъанасини ёш полвонлар давом эттириб, ғалабага бўлган қучли иштиёқ билан Осиё ўйинларида муносиб иштирок этмоқда.

Осаму САИТО, Япония Кураш федерацияси ҳакамлик кўмитаси раиси:

— Ўзбекистонда тўрт марта бўлганман ва мамлакатингизда спорт жадал ривожлантирилаётганидан яхши хабардорман. Айниқса, яқинда Тошкентда эркин, юн-рум ва аёллар кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати менда катта таассурот қолдирди. Юқори савияда ташкил этилган ушбу мусобақада сайёрамизнинг энг қучли курашчилари иштирок этди. Ўзбекистонда барча нуфузли халқаро мусобақаларни шундай ўтказиш анъанага айланган. Осиё ўйинларида Ўзбекистонлик кураш усталари билан яна бир бор учрашганимдан хурсандман. Уларнинг муваффақиятли иштирокини катта қизиқиш билан кузатиб бораётиман.

Иброҳим ОМАР, Малайзия Миллий велоспорт федерацияси техник директори:

— Сўнгги вақтда жаҳонда велоспорт жадал ривожланмоқда. Кўплаб мамлакатлар ушбу спорт тури бўйича миллий турнирларни қўша ва халқаро мусобақалар тақвимиға мувофиқ ҳолда ўтказаяётгани бунинг яққол тасдиғидир. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Мамлакатингизда спортнинг ушбу ва бошқа турлари изчил ривожлантирилаётгани, спортчилар халқаро даражада тайёрланаётганидан хабардорман. Осиё ўйинларида велоспортчиларининг иштирокини диққат билан кузатдим. Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юқори натижаларга эришган Муроджон Холмуродовни алоҳида қайд этмоқчиман. Унинг бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этишига ишонаман.

Қасаба СЗАНТО, Халқаро каноэ федерацияси техник эксперти:

— Ўзбекистонда спортнинг байдарка ва каноэда эшак эшиш тури оммалашиб бормоқда. Мамлакатингизда бунинг учун замонавий спорт базаси мавжуд, спортчилар янги қайиқлар ва зарур инвентарлар билан таъминланмоқда. Самарқандда замонавий эшак эшиш каналининг очилгани бу борада навбатдаги қадам бўлди. Бу ерда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди ва бошқа халқаро мусобақалар ҳам ташкил этилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон спортчилари юқори натижаларга эришмоқда. Масалан, Осиё ўйинларида уларнинг 2 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медалига сазовор бўлгани бунинг яққол исботидир. Бу таҳсинга лойиқ натижа.

Гарри ТХОБАНЯН, Халқаро оғир атлетика федерациясининг биринчи тоифали ҳаками:

— Осиё ўйинларида Ўзбекистон шарафини кўплаб оғир атлетикачилар ҳимоя қилди. Бу спортнинг ушбу тури мамлакатингизда жадал ривожлантирилаётганидан, оғир атлетика бўйича йирик мусобақалар — Осиё чемпионатлари ва Осиё кубоги турнирларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани ҳам бундан далолат беради. Ушбу мусобақаларнинг айримларида иштирок этиб, Руслан Нурудинов, Иван Ефремов, Улғубек Алимов каби машҳур штангчиларни кўрдим. Айниқса, Ўзбекистонда оғир атлетикага қизлар тобора қизиқиш билдираётгани қувонарлидир. Масалан, мазкур Осиё ўйинларида Махлиё Тоғаева, Марина Сисоева, Фарангиз Шомуродова ўз маҳоратини намоиш этди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида «Юксак маънавиятли ёшлар келажагимиз пойдевори» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирлар

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ҳудудда жойлашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олувчи фаол, ташаббускор талаба-ёшлар, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот ҳамда факультет етакчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Қажрамон Шоназаров, «Қамолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Фаёз Қўшақов, масъул ходимлар ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчилари, талаба-ёшлар ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Шу билан бир қаторда ўз таклифларини билдириб ўтишди.

— Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига катта эътибор қара-

тилиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди «Қамолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Фаёз Қўшақов. — Ўтказилган давра суҳбатида Юртбошимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан фикр алмашиш, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шу билан бирга ёшлар ўртасида соғлом рақобат тушунчасини янада кучайтириш орқали ўз устиди ишлаш, ўз-ўзини таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга нисбатан садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаоллигини оширишга эътибор қаратилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида шахмат бўйича 8-18 ёшли ўғил-қизлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати якунланди. Мазкур нуфузли мусобақада беш нафар иқтидорли шахматчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида жаҳон чемпиони Жаҳоҳир Синдорев сўнгги турда қора донларда ҳиндистонлик Прагнанандха билан дуранг ўйнади. Ушбу ёш тоифасида қатнашган яна бир вақилимиз Нодирбек Абдусатторов эса оқ донларда яна бир ҳинд шахматчиси

Мохан Кушагра билан муроса йўлини танлади. Мусобақа якунига кўра, ФИДЕ устаси Нодирбек Абдусатторов 8,5 очко билан кумуш медалга сазовор бўлди. Тўққиз очко жамғарган ҳиндистонлик Нихал Сарин эса ушбу ёш тоифасида оқ донларда кўлга киритди. Жаҳоҳир

Синдорев эса 7,5 очко тўплаб, 7-ўрин билан кифояланди.

Шунингдек, жаҳон биринчилигида ҳамюртларимиздан Нодирбек Ёқуббоев, Темур Игонин ҳамда Баҳора Абдусатторовалар ҳам ўз омадларини синаб қўришди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 3 октябрь кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ҳарбадан сегондига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи —

22-24 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 3 ва 4 октябр эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзили:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 1055

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5720 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Толпириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроил

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ